

ТУМАНДАГИ ДАЛА ОШХОНАЛАРИДА ТАЙЁРЛАНГАН ОШ ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИЛМОҚДА

Тумандаги дала ошхоналарида тайёрланган ош эҳтиёжманд оилаларга етказиб берилмоқда

Туманимизнинг секторлари кесимида ташкил этилган ҳарбий дала ошхоналарида фуқароларимиз учун зарурӣ шарт-шароитлар яратиб берилиб, уларнинг ҳордик чиқаришига ҳам қулайликлар яратилмоқда. Сойбозор мавзесида ташкил этилган ушбу масканда китобхона, мусиқа ассоблари бурчаги, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун маҳсус палатка ва тиббий пункт ташкил этилди.

Ҳар куни ош пиширилиб, энг аввало, коммунал соҳада фаолоият олиб бораётган барча ишчи-ходимларга бевосита дала ошхонасида тарқатиб берилмоқда. Шунингдек, маҳалла фуқаролар ийғинлари фаоллари орқали маҳалларага етказиб берилаётган ош кам таъминланган ва эҳтиёжманд фуқароларга манзилли етказиб берилаётир.

Туман маҳалла ва нуронийларни қўлалб-қувватлаш бўлими раҳбари Абдушукур Тўрабоев ва “Маҳалла” хайрия жамоат фонди раиси Расулжон Мирсаидовлар бугун Сўх маҳалла фуқаролар ийғинида бўлдилар. Ушбу маҳалла гузарида пиширилган ош ижтимоий кўмакка муҳтоҷ аҳоли ва кам таъминланган фуқароларга етказиб берилиб, бу маҳсулотдан маҳалла вакиллари ҳам бевосита гузарда баҳраманд бўлдилар.

Сўх тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook | Telegram | Telegram murojaat | Youtube | Instagram](#)

2023-01-27 09:27:08